



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI
LOYIHA BOSHQARUVI MILLIY AGENTLIGINING**

B U Y R U G'I

Олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида масофавий ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3930-сон ”Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига мувофиқ буюраман:

1. Олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш директор ўринбосари В.Пакзиммасига юклатилсин.

Директор

A handwritten signature in blue ink, appearing to read "D. Li", is placed next to the director's name.

Д.Ли

Гошкент ш.
2019 йил 18 » июнь
109 -сон

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги
2019 йил «18» санга даги
109 - сон буйруғига
илова

**Олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим,
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида
масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайерлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3930-сон “Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида (кейинги ўринларда – таълим муассасалари деб юритилади) масофавий ўқитиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

масофавий ўқитиш – таълим тизимининг барча таркибий қисмларини (мақсад, мазмун, метод, таълимнинг ташкилий шакллари, таълим воситалари) ўзида акс эттирувчи ва интернет-технологияларнинг ўзига хос воситалари ёки интерфаолликни назарда тутувчи бошқа воситалар билан амалга оширилувчи, ўқитувчи ва таълим олувчининг масофадан амалга оширилувчи ўзаро ҳатти-ҳаракати;

масофавий таълим технологияси – таълим жараёнида таълим олувчиларга ўрганилаётган материалларнинг асосий ҳажмини етказишни, таълим олувчи ва ўқитувчининг интерфаол ўзаро ҳаракатини таъминлаб берувчи, ўрганилаётган материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлиши учун таълим олувчига имконият тақдим этувчи ахборот-коммуникация технологиялари;

ўқитишни бошқариш тизими “LMS” (learning management system, LMS кейинги ўринларда LMS деб юритилади) – ўқув фаолиятини асосини ташкил этувчи ва ўрганишнинг изчиллигини таъминлаган ҳолда, визуал ўқув муҳитида материалларни яратиш учун биргаликда фойдаланишини таъминлаб, ўқув онлайн материалларининг тарқатилишини ишлаб чиқиш ва бошқаришда фойдаланиладиган дастурий маҳсулот (таълим электрон платформаси);

масофавий ўқитишнинг дидактик воситалари – таълим олувчиларнинг ахборот таълим ресурслари билан мустақил ишлишига ургу берилган ўқув-таълим олиш фаолиятини ташкил этиш шакллари, ўқув материаллари, ўқитиш методлари ва ёндашувлари;

“SCORM” стандарти (Sharable Content Object Reference Model) – LMS нинг барча тизимлари билан функционал мос ва бу тизимлар ўртасида маълумотлар алмашинуви имкониятига эга бўлган ўқитиш дастурларининг барча элементлари;

ўқув контенти – таълим жараёнида ўқитиш ёки йўналтириш мақсадида фойдаланувчининг бевосита қабул қилиши учун мўлжалланган, масофавий ўқитишнинг бошқариш тизимида жойлаштирилган ўқув-методик материаллар;

масофавий ўқитишнинг дастурий таъминоти – масофавий ўқитишни, шу жумладан, ўқув дастурларини яратишга инструментал мухитни ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган тизимли ва амалий дастурлар ҳамда тренинг дастурлари;

масофавий ўқитишнинг моддий-техник таъминоти – масофавий ўқитиш тизимини самарали ишлаши учун техник ва ахборот-коммуникация воситалари;

масофавий ўқитишнинг кадрлар таъминоти – масофавий ўқитишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқув материаллар базасини ишлаб чиқиш ва тўлдиришга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчилар, ўқув-ёрдамчи ва техник ходимлар;

онлайн – ўқув ўзаро таъсирини аниқ вақтдаги жараёнини назарда тутади (вебинар, видеоконференция, чат, телефон орқали мулоқот ва бошқалар);

оффлайн – профессор-ўқитувчи ва таълим олувчининг мулоқоти асинхрон тарзда амалга ошириладиган ўқув ўзаро таъсири жараёнини назарда тутади (электрон почта, чат, форум ва бошқалар).

2. Масофавий ўқитиш принциплари:

интерфаоллик принципи;

бошланғич билимлар принципи;

индивидуализация принципи;

идентификация принципи;

ўқитишнинг регламентлилиги принципи;

янги информацион технологиялари воситаларини қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги принципи;

ўқитишнинг очиқлиги ва мосланувчанилигини таъминлаш принципи.

2-боб. Масофавий ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

3. Масофавий ўқитишнинг мақсади ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида таълим олувчининг туар жойидан қатъий назар унга таълим дастурларини ўзлаштириши учун имконият тақдим этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишилари, иқтидори ва эҳтиёжларига мувофиқ таълим сифатини ошириш, касбий салоҳитяини ривожлантиришдир.

4. Масофавий ўқитишнинг асосий вазифалари:

сифатли таълим олиш ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришда шахснинг эҳтиёжларини қондириш;

мутахассисларнинг касбий даражасини ошириш ва уларнинг мустакил билим эҳтиёжини қондириш;

масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим бериш ва келгусида “икки диплом” (double degree) модели бўйича диплом бериш мақсадида

хорижий ҳамкорлар билан биргалиқда дистанцион ўқитиши факультетларини ташкил этиш;

аҳолининг кенг қатламларига мамлакатнинг ҳар қандай худудида ва унинг ташқарисида тенг таълим имкониятларини тақдим этиш;

ўқитишининг замонавий технологияларини жорий этиш йўли билан таълим олиш сифатини ошириш;

узлуксиз таълим олиш учун шарт-шароитларни яратиш ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;

таълим хизматларининг барча турлари ва шаклларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш;

ривожланган хорижий давлатлар илгор тажрибалари асосида қўлланилиб келаётган давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий ўқув режалари ва фан дастурлари асосида юқори сифатли ўқитиши таъминлаш.

3-боб. Масофавий ўқитишиш иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқлари

5. Масофавий ўқитишиш иштирокчилари:

таълим оловчиilar (талабалар, докторантлар ва тингловчиilar);

профессор-ўқитувчиilar таркиби;

масофавий ўқитиши ташкилий-методик ва муҳандис-техник таъминловчиси ҳисобланган таълим муассасалари ходимлари.

6. Таълим оловчиilar, профессор-ўқитувчиilar таркиби ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Низом, таълим муассасаларининг уставлари, низомлари ва бошқа таълимга оид ички ҳужжатлари билан белгиланади.

4-боб. Масофавий ўқитиши ташкиллаштиришга бўлган талаблар

7. Масофавий ўқитиши жараёнини ташкил этиш учун таълим муассасасида қўйидагилар мавжудлиги талаб этилади:

телекоммуникация тармоғига чиқишига эга бўлган асбоб-ускуналар (интернет ва интранет);

электрон ўқитишининг халқаро стандартларига (IMS, IEEE, AICC, ADL, ARIADNE ёки SCORM ва бошқа) жавоб берадиган, ўзида қўйидагиларни қамраб оловчи LMS платформасига;

аутентификация тизими (логин ва парол асосида фойдаланувчининг аслини аниқлаш);

фойдаланувчиларни бошқариш тизими;

қидирув тизими;

интерфаол ўзаро ахборот алмашинуви тизими (форум, чат, ҳабар. электрон почта ва бошқалар);

ташкилий-ўқув маълумотлари (машғулотлар жадвали, консультациялар, конференциялар, вазифани топшириш муддати, календарь, вебинар, имтиҳонлар ва бошқалар);

ўқув-методик материалларни бошқариш тизими (маъruzалар, тақдимотлар, вазифалар, тест ва бошқалар);

таълим олувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини рўйхатга олиш тизимида эга бўлиши лозим.

8. LMS қўйидаги имкониятларга эга бўлиши лозим:

таълим олувчиларнинг индивидуал ўқув режаларини шакллантириш;

билимларни субъектив баҳолашни истисно этиш мақсадида масофавий ўқитишида таълим олувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш;

турли ҳисоботларни шакллантириш;

таълим муассасасида таълим олувчилар контингенти ҳаракати ҳақидаги маълумотларни юритиш (қабул қилиш, сафдан чиқариш, ўтказиш, қайта тиклаш);

ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанлар рўйхатини киритиш ва янгилаш;

таълим муассасасини битирган ёки унинг тингловчилар сафидан чиқарилганлар ҳақидаги маълумотларни архивлаштириш.

9. Ўқув-методик таъминот:

ўқув-методик мажмуя ўқув жараёнини ўтказишини тўла таъминлаши ва сифатли таълим олиш учун шарт-шароитлар яратиши;

ахборот ресурсларига тезкор уланиш воситалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида жорий этилиши;

масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган барча фанлар бўйича электрон ўқув-методик мажмуаларга эга бўлиши;

лаборатория ишлари ўтказилиши назарда тутилган фанлар бўйича анъанавий лаборатория базаси билан таъминланиши;

масофавий ўқитиши шакли қўлланиладиган таълим муассасасалари етарли илмий-ўқув адабиётларга ва компьютер маълумотлар базасига эга бўлиши лозим;

ўқув-методик ресурслари Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти O`zDSt 36.2030 “Электрон таълим” миллий тизимида киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар”га мувофиқ бўлиши лозим.

10. Моддий-техник таъминот:

ўқув жараёнини амалга ошириш таълим олувчиларнинг ва таълим муассасаси ходимларининг хаёт фаолиятининг хавфсизлиги, соғлиқни сақлашнинг санитария ва гигиена нормаларига мувофиқ бўлиши ҳамда ўқув хоналари лаборатория ва компьютер асбоб-ускуналари ҳамда телекоммуникация воситалари билан таъминланган бўлиши лозим.

11. Кадрлар таъминоти:

масофавий ўқитишининг техник ва дастурий компонентларининг ишлаши ва ривожланишини тегишли маълумот ва малакага эга бўлган муҳандис-техник ходимлар таъминлайдилар;

техник ва ўқув-ёрдам ходимлари малакавий талабларга жавоб беришлари лозим.

12. Масофавий ўқитиши тизимида фойдаланувчи ўқитувчи:

онлайн ўқитиши усулини ва масофавий ўқитиши қўллаш усулини билиши; масофавий ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқа олиши; индивидуал ўқув консультациялар, шу жумладан, онлайн консультациялар тақдим этиш техникасига (методи ва усули) эга бўлиши;

билимлар сифатини мониторинг қилиш, текшириш, тақриз, назорат, курс ва битириув ишларини, шу жумладан, лойиҳа ва тадқиқот ишларини бошқариши ташкиллаштириш соҳасида маҳсус билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва биринчи навбатда ахборот ресурсларида ишлаш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

13. Масофавий ўқитиши ташкил этиш ва уни амалга ошириш учун таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилар таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидан ва хорижий мамлакатлардан таълим жараёнини масофавий ўқитиши тизими орқали олиб борувчи ўқитувчилар ва эксперталар жалб қилиниши мумкин. Ўқув юкламасига ва масофавий ўқитишида профессор-ўқитувчилар таркибининг (тъюторлар) меҳнатига ҳақ тўлаш норматив талаблари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва таълим муассасасининг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилади.

5-боб. Масофавий ўқитиши шаклидаги ўқув жараёнини ташкил этиши

14. Ички норматив ҳужжатларга мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимиға асосланган олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юритидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида масофавий ўқитиши жараёнини ташкил этиш ўқув режа, ўқув дастур ва индивидуал режалар асосида амалга оширилади.

15. Ўқув жараёни жадвали асосида зарур ўқув фаолияти ва назорат тадбирларини амалга ошириш ва назорат қилиш тадбирлари (оралиқ, якуний назорат, якуний давлат аттестацияси) учун белгиланган вақти кўрсатилган ўзлаштиришни назорат қилиш жадвали тузилади

16. Масофавий ўқитиши ташкил этиш учун З тоифадаги курс форматлари талаб қилинади:

- форум (ўзаро муҳокамалар);
- тузилма (календарга боғлиқ бўлмаган ўқув модуллари);
- календарь (календарга боғлиқ бўлган ўқув модуллари).

17. Курс исталган микдордаги ресурслардан (“Wiki” ўқув элементлари, сўровномалар, глоссарий, топшириқ, сўров, тушунтириш, тестлар, дарслар (маъruzалар) овозли ва видео дарслар ҳамда бошқа ўқув элементлари) ва интерфаол курс элементларидан ташкил топган бўлиши мумкин.

18. Электрон ўқув-услубий мажмuinинг мажбурий тўплами таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида мустақил равишда таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Таълим муассасининг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимиға асосланган олий таълим муассасаларида, олий ўқув юритидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш муассасаларида электрон ўқув-услубий мажмуасининг мажбурий тўплами қонун ҳужжатларида ва таълим муассасининг ички норматив ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

19. Масофавий ўқитиши қўллаш таълим оловчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида масофавий ўқитиши учун мўлжалланган ўқув-амалий қўлланмалардан ҳамда замонавий алоқа ва ўқув воситаларидан (компьютер, телекоммуникация ва бошқалар) фойдаланган ҳолда керакли билимларни мустақил олиши тушунилади.

20. Масофавий ўқитиши орқали консультациялар таълим муассасасида бевосита муроқот йўли билан ёки ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилиши мумкин.

21. Масофавий ўқитиши машғулотлари онлайн ва (ёки) оффлайн режимида ўтказишга асосланади.

22. Таълим оловчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш қонун ҳужжатларига ва таълим муассасининг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Таълим муассасалари рухсатсиз кириш ва қалбакилаштиришдан ҳимоя қилинган ахборот тизимида киришни чегаралаш ва мустақил баҳолаш электрон усуllibарни қўллаш йўли билан таълим оловчиларнинг ўзлаштиришларини жорий ва оралиқ назоратини ташкил этадилар.

24. Битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси, ҳамда таълим оловчиларнинг ўзлаштиришининг оралиқ ва якуний назорати қонун ҳужжатларида ва таълим муассасининг ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб.Масофавий ўқитиши учун тўлов

25. Масофавий ўқитиши шартномавий асосда амалга оширилади.

26. Ўқитиши учун тўлов миқдори таълим муассасаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрнатилади.

27. Таълим оловчи масофавий ўқитиши учун тўловни амалга оширгандан сўнг масофавий ўқитишини бошқариш тизимида таълим, мутаҳассислик ёки курс йўналиши бўйича иш ўқув режасида кўрсатилган ўқитишининг бутун даврида кириш имкониятига эга бўлади.

Ўқитиши вақти фаннинг таълим ҳажмини, лаборатория ишлари ва амалиёт машғулотлар миқдорини, оралиқ, жорий ва якуний назорат шаклларини, аттестация турини, методик таъминлашнинг даражаси ва ҳажмини инобатга олиши лозим.

28. Бериладиган ўқув ва ўқув-методик материаллар қиймати ўқитиши қийматига қўшилади.

29. Масофавий ўқитиши амалга оширувчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, шунингдек, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби қонун ҳужжатларида ва таълим муассасининг ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Яқуний қоидалар

30. Масофавий ўқитиши жараённанда юзага келадиган низолар таълим муассасаси Кенгаши томонидан ҳал этилади.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.